



CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL AND APPLIED SCIENCES ISSN: 2660-5317

Special Issue, 2022 //

*"Challenges and Innovative Solutions of Life Safety in Ensuring
Sustainability in Economic Sectors"*

METHODOLOGY OF LABOR PROCESS ORGANIZATION

Narziev Shovkiddin Murtozovich

Associate Professor of Tashkent State Technical University

Abdullaev Asliddin Ziyoxiddinovich

Master of Tashkent State Technical University

Khakimov Khurshid Hamidulla oglu

Master of Tashkent State Technical University

Received 13th Feb 2022, Accepted 15th Mar 2022, Online 7th May 2022

Annotation: *This article discusses the importance of introducing, on the basis of the legal foundations of the organization of production, physiological stress on workers involved in production, facts that negatively affect the productivity of an employee, as well as health protection methods. Recommendations are given for streamlining the workflow, taking into account the energy consumption of employees involved in production.*

Key words: *labor protection, labor productivity, ergometer, useful work, production, labor activity, energy consumption, muscle work.*

Introduction. Мамлакатимизда меҳнат шароитларини яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза этишда муҳим омил бўлаётир[1]. Янги таҳрирдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун бу борада навбатдаги муҳим қадам бўлди. Унда ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза этиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг шу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштириш кабилар давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилаб қўйилгани диққатга сазовор[1, 2].

Таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиётининг замонавий ҳолати ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш, давлат органлари ҳамда хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мамлакатда тадбиркорлик фаолияти ва меҳнат қонунчилигини ривожлантириш борасидаги ишлар натижалари бунианг яққол мисолидир[2, 3].

Шу боисдан ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, енгин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб боришдек муҳим вазифа иш берувчи зиммасига юклатилган[4].

Бундан ташқари, қатор вазирликлар ва тармоқ идоралари, йирик саноат корхоналари, фуқаролик жамияти институтлари, касаба уюшмалари вакиллари, соҳа экспертлари Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ҳамда тавсиялари, хорижий давлатларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари ўрганиш орқали инновацион методларни амалиётга жорий қилиш орқали меҳнат шароитларини яратиш ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишида долзарб аҳамият касб этади.

Literature review. Меҳнат истеъмол қийматларини вужудга келтириш учун қилинадиган фаолиятдир. Физиологик томондан бу киши организмнинг функцияси ва бундай функциянинг ҳар бири унинг мазмуни ва шакли қандай бўлишидан қатъий назар, аслида киши миясининг, асабларнинг, мускулларининг, сезги органларининг ва шу кабиларининг сарф қилинишидир[5, 6]. Меҳнат жараёнида организм ҳаёт функцияларнинг ўзгаришини меҳнат физиологияси ўрганади.

Меҳнат жараёнида организмнинг ҳамма функциялари яъни мушак фаолияти, оксидланиш-қайтарилиш процесслар ва бошқалар кескин равишда ўзгаради. Иш бошланишидан илгари, факат иш жойига келиш биланок одам функциялари тегишли равишда ўзгаради[6]. Одатда пульс тезлашади ва бир минутда сарф қилинган миқдори ошади. Функцияларнинг бу шартли реффлектор ўзгаришида олий нерв фаолиятининг "ишга солиш механизмлари" ҳаракатга келади. Катта ярим шарлар пустлогининг ишга солиш таъсирлари организмнинг тинч ҳолатидан, фаолиятли ҳолатга келтиради ёки шу пайтгача ички таъсиротлар остида ўтаётган фаолиятни кескин равишда кучайтиради. Лекин катта ярим шарлар пустлоги ишга солган органларга ҳам таъсир қилишни давом этади. Мия пустлогидан келган импульслар ишлаётган органларга таъсир қилган чоғда, пустлок уйғунлаштириш таъсирини кўрсатади[6, 7].

Инсоннинг иш қобилияти ёки иш қувватининг талаб қилинаётган даражасини иш сифатини

Ўзгартирмаган ҳолда мумкин қадар узоқ сақлаб қолиш қобилияти, бир неча факторга боғлиқ. Булардан энг муҳимлари тренировка ва машқ эмоционал ҳолат, чарчаш ва атрофдаги муҳит шароитларидир[1, 8].

Ишлаб чиқаришга оид механик ишни ва қобилиятини ўлчаш учун меҳнат физиологиясидан лаборатория текширишларини амалга оширишда махсус асбоблар эргометрлардан фойдаланилади, буларнинг ёрдами билан кўтарилаётган юкнинг катталиги ва кўтарилиши баландлигини ёки доимий қаршилиқ енгиладиган йўлининг узунлигини аниқ ҳисобга олиш ва шундай қилиб, фойдали ишни килограмм-метрларда ўлчаш мумкин. Ишлаб чиқариш шароитларида ишни ўлчаш кўпинча қийин бўлади. Лекин бунда "фойдали ишни" аниқ белгилаш мумкин. Бунинг учун бир жойдан иккинчи жойга кўчириладиган юкларни ўлчаш, йўлларни ўлчаш ва динамометрлар ёрдами билан қаршилиқни, масалан кўчма ва генеткаларни, айлантириладиган ричаг ва бошқаларни ўлчаш кифоядир[1, 5, 8].

Research methods. Хозирги замон ишлаб чиқариш шароитларида бажарилаётган ишлар уларнинг қувватига яъни вақт бирлиги ичида бажарилаётган ишнинг миқдорига қараб 3 гуруҳга бўлиниши мумкин: 1-енгил; 2- ўртача; ва 3-оғир ишлар. Енгил ишлар ишлар қаторига минутига камроқ кислород истеъмол қилинадиган ишлар қиради. Агарда одамнинг тўла тинч ҳолатда минутига 200-250 см³ кислород истеъмол қилиниши ҳисобга олинса, енгил иш вақтда кислороднинг истеъмол қилиниши кўп деганда 2-2,5 хисса ортади. Ўрта оғирликдаги ишлар қаторига бир минутига 1 литргача истеъмол қилинадиган ишлар қиради, яъни бунда кислородни истеъмол қилиниши тинч ҳолатига қараганда 2-4 марта ошади. Оғир ишларга минутига бир литрдан ортиқ миқдорда кислород истеъмол қилинадиган ишлар қиради. Иш вақтида кислороднинг купроқ истеъмол қилинишига сабаб шуки, мушак иши учун зарур бўлган энергия озик моддалари натижасида ҳосил бўлади. Лекин айрим ҳолларда кислород истеъмол қилиниши бажарилаётган иш хажмдан қатъий назар қўлланиши мумкин. Масалан, киши 13 секунд давомида максимал тезлик билан югирганда кислород истеъмол қилиниши ортиқча улгирмайди ва у кейинроқ югириш тугагандан кейин кўпаяди[9].

Нотўғри ташкил қилинган ва кўп диққатни талаб қиладиган ишнинг бундай салбий натижаларини бартараф қилмоқ ёки анчагина камайтирмоқ учун меҳнатнинг санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, ишни тартибга солиш, қисқа муддатли танаффуслар қилиш, шу билан бирга кўп малака талаб қилмайдиган конвейрларда ишловчиларнинг маълум вақт ўтганда бир операциядан иккинчи операцияга кўчириш лозим[9, 10].

Корхоналарда хавфсиз меҳнат шароитларини тўғри ташкил этилиши ишчи-ҳодимларни интизомли бўлишига ва бу ўз навбатида меҳнат унумдорлигини оширишига, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисаларни, асбоб ускуналарни бузилишлари ва бошқа кўзда тутилмаган ҳолатларнинг

камайишига ва охир оқибатда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига ва корхонанинг барқарорлигига олиб келади[6].

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, ишлаб чиқарида содир бўлган шикастланишларни статистик: гуруҳлаш, коэффицентлар, монографик, топографик ва иқтисодий усулларини ишчи шикастлаш омили таъсиридаги ҳафталар, кунлар, соатлар орқали аниқлаш формулалари аниқланади[11]. Ҳисоб формулаларида ишчини(иштирокчи шахсни) ишлаб чиқаришнинг шикастлаш омили таъсири майдонида («хавфлар майдонида») бўлиши асос қилиб олинган. Ишчини шикастланиш эҳтимоли фақатгина у меҳнат жараёнида, фаолият турига хос бўлган шикастлаш омили таъсири майдонида («хавфлар майдонида») мавжуд бўлади. Чунки ишчи шикастлаш омили таъсири майдонида яъни «хавфлар майдонида» бўлган ҳафтада, кунда, соатда шикастланиши мумкин[11]. Шунинг учун меҳнат жараёнида, иш турига хос бўлган шикастлаш омили таъсири майдонида яъни «хавфлар майдонида» шикастланишларини частотасини, оғирлигини, хавфлилигини қуйидаги формулалар билан аниқлаш мақсадга мувофиқ:

Жароҳатланиш частотаси – K_{ch}

$$K_{ch} = \frac{n_1}{n_o} \cdot 1000 \quad (1)$$

бу ерда: n_1 – бахтсиз ҳодиса туфайли иш қобилиятини

йўқотган ва ҳалок бўлган ишчилар сони;

n_o – ўртача ишчилар сони.

Жароҳатланиш оғирлиги – K_o

$$K_o = \frac{D_{ik}}{n_2} \quad (2)$$


бу ерда: D_{ik} – ҳисобот даврида йўқотилган жами иш кунлари сони;

n_2 – иш қобилиятини yo‘qotgan ishchilar soni.

Иш кунининг йўқотилганлиги кўрсаткичи – K_{ik}

$$K_{ik} = \frac{D_{ik}}{n_o} \cdot 1000, \% \quad (3)$$

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, корхоналарда содир бўлаётган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабабларидан бири ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этмаслигидир. Баъзан иш берувчи томонидан ходимларнинг иш вақти ва дам олиш вақтини белгилашда, уларни хизмат сафарларига юборишда хавфсизлик талаблари бузилиш ҳолатлари ҳам учраб туради(расмга қаранг).



75-ўлим билан тугаган; 80-ўлганлар; 122-оқибати оғир; 141-оғир жароҳатланган ; 17-оқибати энгил; 21-енгил жароҳатланганлар; 19-гуруҳий; 47- жароҳатланганлар.

Расм. Ишлаб чиқаришдаги номақбул меҳнат шaroитлари содир бўлиши мумкин бахтсиз ходисалар оқибати.

Conclusion

1. Ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси амалиётида жорий этилган бахтсиз ходисалар статистикасига асосланган коэффицентлар усулини вазиятни ўрганишга тўғридан-тўғри қўллаш имконини беради.
2. Ишлаб чиқарида меҳнат шaroитларини меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари асосида ташкил қилиш лозим
3. Ходимнинг саломатлигининг бузилиши, шикастланишлар ва касб касалликларини ўрганиш ва ҳисобга олиш бўйича иш юритиш ҳужжатларининг ягона электрон тизимини амалиётга жорий этиш лозим.
4. Меҳнат фаолиятида ходимлар саломатлигига таъсир қилувчи омилларга эътиборини кучайтириш лозим,
5. Меҳнатга оид норматив ҳужжатларга амал қилиниши устидан жамоат назоратини олиб борилишида меҳнат муҳофазаси тадбирларини ўтказиш лозим.

References

1. E.I.Ibragimov, S.Gazinazarova, O.R.Yuldashev. Mehnat muhofazasi maxsus kursi. Darslik.-T.: TIMI, 2014.-536 b.
2. Narziev S. et al. Theoretical analysis of the causes of injury in sports activities and their reduction measures //Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems. – 2020. – Т. 12. – №. S2. – С. 166-170.
3. Sulaimanovich S. S., Murtozaevich H. S. Causes and Prevention of Athlete Injuries During Training Sessions and Competitions //JournalNX. – С. 325-329.
4. Shovkiddin N. et al. PROBLEMS OF ENSURING THE SAFETY OF SPORTS ACTIVITIES AND REDUCING INJURIES //Journal of Critical Reviews. – 2020. – Т. 7. – №. 11. – С. 428-432.
5. Sulaymonovich S. S., Murtozayevich N. S. Studying and accounting sports injuries //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2020. – Т. 10. – №. 7. – С. 759-763.
6. Нарзиев Шовкиддин Муртозаевич, Ботиров Акбар Бахриддинович БЕЗОПАСНОСТЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЧЕЛОВЕКА МЕТОДЫ ИЗУЧЕНИЯ И АНАЛИЗА РИСКОВ В ТРУДОВОМ ПРОЦЕССЕ // ТЕСНика. 2021. №1 (5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bezopasnost-deyatelnosti-cheloveka-metody-izucheniya-i-analiza-riskov-v-trudovom-protseesse> (дата обращения: 08.04.2021).
7. Sulaymonovich S. S. et al. Methods of Forecasting and Occurrence of Traumatic Damages i Sport //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 8. – №. 9 S2. – С. 223-225.
8. Sulaimanovich S. S., Murtozaevich H. S. Causes and Prevention of Athlete Injuries During Training Sessions and Competitions //JournalNX. – С. 325-329.
9. Меҳнат гигиенасил. Искандарова Г.Т. таҳрири остида. – Т., 2009, - 283 б.
10. Нарзиев Шовкиддин Муртозаевич, Рахимова Азиза Хусан Кизи ПРИМЕНЕНИЕ И АНАЛИЗ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ // ТЕСНика. 2021. №1 (5). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/primenenie-i-analiz-pedagogicheskikh-metodov-v-uchebnom-protseesse> (дата обращения: 08.04.2021).
11. Shovkiddin N. et al. PROVISION OF LABOR PROTECTION AND ANALYSIS OF INJURIES OF ACTIVE PARTICIPANTS //Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. – 2021. – Т. 27. – № 2.